



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ДУНЁ – ОХИРАТ ЭКИНЗОРИ

Муҳтарам азизлар! Маълумки, дунё ҳаёти мўмин-мусулмонларга берилган катта имконият бўлиб, бундан фойдаланиб, ҳар бир банда дунё ва охиратини обод қилиши зарур. Динимиз кўрсатмаларига кўра, киши дунёсини деб охиратини ва охиратини деб дунёсини унутмаслиги лозим. Киши дунё ҳаёти даврида охиратига катта захиралар қилишга доимо ҳаракатда бўлмоғи – динимиз талабидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَلْتَنْظُرْ نَفْسٌ مَا قَدَّمَتْ لِغَدٍ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴾

яъни: Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва (ҳар бир) жон (эгаси) эртанги кун (қиёмат) учун нимани (қандай амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқингиз! албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир (Ҳашр сураси 18-оят).

Демак, дунё ҳаётини ғанимат билиб, унда ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишимиз, ҳамиша динимиз, халқимиз ва Ватанимиз учун манфаатли, хайрли амаллар устида бўлишимиз керак.

Аллоҳ таоло дунё ҳаёти ҳақида ояти каримада шундай ўхшатма қилган:

﴿ وَأَضْرِبْ لَهُمْ مَثَلِ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَاءٍ أَنْزَلْنَاهُ مِنَ السَّمَاءِ فَاخْتَلَطَ بِهِ نَبَاتُ الْأَرْضِ فَأَصْبَحَ هَشِيمًا تَذْرُوهُ الرِّيحُ وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ مُّقْتَدِرًا ﴾

яъни: “(Эй, Муҳаммад! Одамларга) дунё ҳаёти мисолини келтиринг. (У) худди бир сув кабидирки, Биз уни осмондан ёғдиргач, (баҳорда) у сабабли ер ўсимликлари (бир-бирига) аралашиб (қалинлашиб) кетур, сўнгра (кузда) шамоллар учуриб кетадиган хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир зотдир” (Каҳф сураси 45-оят).

Инсон умрининг баҳори – ёшлик даври ва кузи – кексалик айёми экани ҳақида мисол келтирилмоқда. Демак, инсонни умри гўё бир баҳор ва куздан иборат қисқа муддат экан.

Дунё ҳаёти жуда ҳам қисқа муддат экани ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

﴿ وَاللَّهُ مَا الدُّنْيَا فِي الْآخِرَةِ إِلَّا مِثْلَ مَا يَجْعَلُ أَحَدَكُمْ إِصْبَعَهُ فِي الْبَيْمِ ، فَلْيَنْظُرْ بِمَ يَرْجِعُ ﴾

яъни: “Бу дунё охират олдида ҳеч нарса эмас. Фақатгина сизлардан бирингиз бармогини денгизга солганига ўхшайди. Назар солсинчи, бармогига нима илашибди” (Имом Муслим ривоятлари).

Ушбу хадиси шарифда охират ҳаёти денгиздаги сувга ва дунё ҳаёти эса, денгизга солинган бармоққа ёпишган сувга ўхшатилмоқда. Демак, инсонни дунёдаги ҳаёти жуда ҳам кам муддат экан. Лекин афсуски, шунга қарамасдан кўпчилигимизда дунёга бўлган муҳаббатимиз жуда ҳам кучлидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деган:

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ فَلَا تَغُرَّبَكُمُ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا وَلَا يَغُرَّبَكُمُ بِاللَّهِ الْغُرُورُ ﴾

яъни: “Эй, инсонлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўймасин! Яна сизларни алдамчи (шайтон) алдаб қўймасин!” (Фотир сураси 5-оят). Яъни сизларга шайтон Аллоҳ номидан ваъда қилиб: “Туноҳ ишларни қилаверингиз! Тоат-ибодат шарт эмас, Аллоҳ кечирувчидир” каби сўзлар билан алдаб қўймасин!

Банда дунё матосига алданмаслиги ва унга муккасидан кетмаслиги учун уламоларимиз томонидан қуйидаги нарсаларга амал қилиш тавсия қилинган:

Дунё ҳаёти вақтинча экани ва охират ҳаёти абадий бўлишига имони комил бўлиши керак. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿ إِنَّ الدِّينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ زَيْنًا لَهُمْ أَعْمَاهُمْ فَهُمْ يَصْمَهُونَ ﴾

яъни: “Албатта, охиратга имон келтирмайдиган кимсаларнинг (қилаётган) амалларини ўзларига чиройли кўрсатиб қўйгандирмиз. Бас, улар гангиб юравадилар” (Намл сураси 4-оят).

Дарҳақиқат, охират ҳаётини абадий эканига имони комил бўлган киши дунё ҳаётига муккасидан кетмайди. Афсуски, ҳозирги кунда баъзиларни кўрсангиз худди ўлмайдиган кишидек бор имкониятини молу давлат топиш ва айшу ишрат қилишга сарфлаб, Аллоҳ буюрган ибодатларни унутиб, охиратини эсан чикаради. Бундай кишиларни охиратдаги аҳволи жуда оғир бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деган:

﴿ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى * قَالَ رَبِّ لِمَ حَشَرْتَنِي أَعْمَى وَقَدْ كُنْتُ بَصِيرًا * قَالَ كَذَلِكَ أَتَتْكَ آيَاتُنَا فَنَسِيتَهَا وَكَذَلِكَ الْيَوْمَ تُنْسَى ﴾

яъни: “Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, унга танг-тор ҳаёт бўлади ва Қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирамиз. У: “Парвардигоро, нега мени кўр ҳолда тирилтирдиг? Ахир кўрувчи эдим-ку?!” деди. У Зот: “Ҳа, шундай: сенга оятларимиз келганида уларни унутдинг. Сен ҳам бугун шундай “унутилурсан”, деди” (Тоҳо сураси 124-126 оятлар).

Банда дунё матосига алданмаслиги ва унга муккасидан кетмаслиги учун **дунё ҳаёти охират учун экинзор эканини англаб етиши керак.** Ҳар бир мўмин-мусулмон дунё ҳаёти вақтинча ва фоний экани, охират ҳаёти абадий ва тугамас эканини яхши англаса, дунё ҳаётидаги вақтини қадрига етади ва ундан унумли фойдаланади. Баҳор фаслида деҳқон ўз ерига уруғ экиб, уни парваришлаб, кузда ҳосил олгани каби, биз ҳам бу дунёдаги қисқа умримизда охиратдаги абадий ҳаётимиз учун ҳосил тайёрлаймиз. Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам елкамдан тутиб туриб:

﴿ كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ كَعَابِرٍ سَبِيلٍ ﴾ (رواه الإمام البخاري عن ابن عمر رضي الله عنهما)

яъни: “Бу дунёда худди мусофир ёки йўловчидек бўлинг”, – дедилар (Имом Бухорий ривоятлари).

Дарҳақиқат, мусофир киши турган жойидан тез фурсатда ўзини асл манзилига кетишини билгани учун ҳам турган жойига асосий эътиборини қаратмайди. Балки асосий эътиборини асл ватанини обод қилишга қаратади. Бизни дунёдаги ҳолатимиз ҳам мусофир каби бўлиши керак экан.

Дунё ҳаёти охират учун экинзор бўлганидан кейин ҳар бир мўмин-мусулмон киши барча яхши ва савобли ишларда бошқалар билан мусобақа қилишга ҳаракат қилиши керак. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, фақир муҳожирлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: “Мол-дунёси кўплар даражотларни ва доимий неъматни олиб кетдилар”, – дейишди. У Зот: “**Нега бундай деяпсизлар?**” – дедилар. Улар: “Биз намоз ўқиганимиздек намоз ўқишади. Биз рўза тутганимиздек рўза туттишади. Улар садақа ҳам қилишади. Биз садақа қила олмаймиз. Улар қул озод қилишади, биз озод қила олмаймиз”, – дедилар. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом бундай дедилар:

﴿ أَفَلَا أَعْلَمُكُمْ شَيْئًا تَدْرِكُونَ بِهِ مَنْ سَبَقَكُمْ، وَتَسْبِقُونَ بِهِ مَنْ بَعْدَكُمْ، وَلَا يَكُونُ أَحَدٌ أَفْضَلَ مِنْكُمْ إِلَّا مَنْ صَنَعَ مِثْلَ مَا صَنَعْتُمْ؟ قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: تُسَبِّحُونَ وَتُكَبِّرُونَ وَتُحَمِّدُونَ ذُبْرَ كُلِّ صَلَاةٍ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ مَرَّةً ﴾ (متفق عليه)

яъни: “Сизни ўзингиздан олдингиларга етиб олишингиз, ўзингиздан кейингилардан ўтиб кетишингизга сабаб бўладиган, сиздан ҳеч ким афзал бўлмайдиган, фақат сиз қилгани қилсагина бўладиган нарсага далолат қилайми?” – дедилар. Улар: “Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули”, – дейишди. У Зот: “**Ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта тасбеҳ, такбир ва ҳамд айтасиз**”, – дедилар (Муттафақун алайҳ).

Банда дунё матосига алданмаслиги ва унга муккасидан кетмаслиги учун **ҳар бир ишини Аллоҳ таоло кўриб турганини ҳис қилиб, тақвони лозим тутиши керак**. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

﴿ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَزَوَّدُوا فَإِنَّ خَيْرَ الزَّادِ التَّقْوَى وَاتَّقُونِ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ ﴾

яъни: “Қандай яхши амал қилсангиз ҳам Аллоҳ билади. Озуқа ғамлаб олинглар, энг яхши озуқа тақводир. Эй, оқиллар, азобимдан қўрқинглар!” (Бақара сураси 197-оят).

Дарҳақиқат, “ҳар бир ишимни Аллоҳ кўриб турибди” деган эътиқодда бажараётган киши топаётган молини ҳалолдан бўлишига ҳаракат қилиб, бировни ҳаққидан ҳазар қилади ва ҳар бир ишида охиратга захира қилишга уринади.

Банда дунё матосига алданмаслиги ва унга муккасидан кетмаслиги учун **қўлидаги мол-мулкига қаноатли бўлиши керак**. Мўминнинг саодати – Аллоҳ унга ризқ қилиб берган нарсага рози бўлишидир. Аллоҳнинг Раззоқ сифатига имон келтириб, Унга ҳақиқий таваккул қилиш, борга ҳам, йўққа ҳам шукр қилиш – қаноатдир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам турмушининг барча жабҳасида қаноатли эдилар. У Зот алайҳиссалом бундай дердилар:

﴿ لَيْسَ الْغِنَى عَنْ كَثْرَةِ الْعَرَضِ وَلَكِنَّ الْغِنَى غِنَى النَّفْسِ ﴾ (رواه الإمام البخاري عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: “**Бойлик – мол-дунёнинг кўплигида эмас, балки кўнгил тўқлигидадир**” (Имом Бухорий ривоятлари).

Қаноатли киши фақирликдан қўрқмайди, бахиллик ҳам қилмайди. Гуноҳдан сақланади, эзгуликда бардавом бўлади. Агар у Аллоҳ берган нарсага озми-кўпми, қаноат қилса, икки дунёда ҳам танглик кўрмайди. Минг афсуски, арзимаган дунё матосини деб, бировлар билан талашиб, уришган хатто бир қориндан тушган ака-

укалар ҳам арзимаган дунё матоҳини талашиб, юз кўрмас бўлишлари мусулмончиликка асло тўғри келмайди.

Банда дунё матосига алданмаслиги ва унга муккасидан кетмаслиги учун **молу дунёда ўзидан пастдаги кишиларга қараши керак**. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ҳақда бундай деганлар:

﴿ انظُرُوا إِلَى مَنْ هُوَ أَسْفَلَ مِنْكُمْ وَلَا تَنْظُرُوا إِلَى مَنْ هُوَ فَوْقَكُمْ؛ فَهُوَ أَجْدَرُ أَلَّا تَزْدُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ ﴾
(رواه الإمام الترمذي عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: **“Мол-дунёда ўзингиздан пастга қаранг! Ўзингиздан юқорига қараманг! Ана шунда, Аллоҳнинг сизга берган неъматини таҳқирлаб қўймайсиз”** (Имом Термизий ривоятлари).

Муаммоларимиз шундаки, бор неъматларимиз шукрини қилмасдан, қўлимиздаги нарсага эмас, бировнинг қўлидаги нарсага қараймиз. Билмаймизки, бошқалар қўлидаги нарсаларга қарашимиз ўз қўлимиздаги нарсалардан фойдаланиш лаззатини йўқ қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, дунё ҳаёти бандаларга катта-катта савобли амалларни бажариб олишга имконият ва фурсат экан, бундан унумли фойдаланиб, зиммамиздаги ибодатларни вақтида бажариб, мухтожларга ёрдам ва хайр-саховат қилиб, ўзгалар билан муомала ва муносабатимизни чиройли айлаб, барча яхши ва савобли ишларда пешқадам бўлишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳтарам жамоат! Жорий йил 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун. Қомусимизда инсон ҳуқуқлари, бурч ва вазифалари билан бирга виждон эркинлиги ҳам алоҳида кафолатлаб қўйилган. Бундан ташқари инсон кадри буюклиги, уни ким бўлишидан қатъий назар шаъни ва кадр-қиммати ҳимояланиши таъкидланган. Жумладан, 48-моддада бундай дейилган: **“Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишига, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишига мажбурдирлар”**.

Кишилиқ жамиятида қонунларнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Дарҳақиқат, адолатли қонунлар – халқ фаровонлиги ҳамда дунё ва охираат ободлигининг асосидир.

Ҳурматли азизлар! Келаси йил учун **“Ҳидоят”** ва **“Мўминалар”** журналлари ҳамда **“Ислом нури”** газетасига обуна бўлиш бошланган. Ушбу нашрларни ўқиганда, юртимиз ва дунё мусулмонлари ҳаёти билан танишиш баробарида илм ҳам ўрганасиз. Йил бўйи ўзингиз ва хонадон аҳлингиз Ислом маърифатидан фойда олади. Қолаверса, илм йўлида пок ният ва ихлос билан ҳаракат қилиш бандага жаннат йўлини осон қилади. Ҳадиси шарифда шундай дейилади:

﴿ وَمَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَلْتَمِسُ فِيهِ عِلْمًا، سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ ﴾ (رواه الامام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: **“Ким илм излаб йўлга чиқса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди”** (Имом Муслим ривоятлари).

Демак, мусулмон киши ҳар куни дини ва ўз соҳасини ўрганиш учун вақт ажратиши – айна муддаодир. Шундай экан, ушбу газета-журналларга обуна бўлинг ва газета, журнал ўқиб, илмингизни бойитинг!

Аллоҳ таоло барчамизга дунё ҳаёти кадрига етиб, холи ҳаётлик давримизда икки дунёимизни обод қиладиган хайрли амалларни қилишни насиб айласин! Омин!

Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси **“Сафар ва унга оид одоблар”** мавзусида бўлади, иншааллоҳ.